

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Фаргона шаҳар Ҳокимлиги
- 1.2. Танлов қиймати 13 125 000 (Ўн уч миллион бир юз йигирма беш минг) сум. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
- Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чикқан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Фаргона шаҳар ҳокимлиги (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили:, Фаргона шаҳар, Нурафшон кўчаси 15 уй
Эл.адрес:
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Фаргона шаҳар Ҳокимлиги “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
шартномалар тузиш юзасилан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёналарида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулк мусолара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар Ўз тақлифларини электрон кўринишда (*etender.uzex.uz*) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавоблар бўлади,
- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги ва шаҳар ҳокимди Ёшлар билан учрашув талбирини кўтаринки руҳда ўтказиш эъдалик совғалар билан тақдирлаш боғлиқ сарф-ҳражаатлар

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Товарнинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Қиймати |
|---|----------------|---------------|---------|-----------|-----------|
| 1 | Баннер | дона | 3 | 1 300 000 | 3 900 000 |
| | Жами: | | | | 3 900 000 |

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАШКИЛОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШИ ШАРТ БЎЛГАН ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:

- Ўтган ҳисобот даврига солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида ҳудудий ДСИ маълумотномаси нусхаси;
- Корхонанинг ишчи механизмлари ва малакали ишчи кадрлари ҳақида маълумотнома;
- Етказиб бериладиган маҳсулотни қанча муддатда етказиб берилиши бўйича кафолат хати;
- Корхона гувоҳномаси, низоми ҳамда раҳбар паспорти нусхалари (хиралашмаган ҳолатда прописка томони билан)
- Берилган таклиф мурожаатномаларида корхонанинг тўлиқ юридик манзили, банк ва солиқ реквизитлари, алоқа телефонлари (факслари), маҳсулотларнинг сифатлилиги.

Фаргона шаҳар ҳокимининг
ўринбосари:



Ю. Юсупов

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги ва шаҳар ҳокимди Ёшлар билан учрашув тадбирини кўтаринки руҳда ўтказиш эсдалик совғалар билан тақдирлаш боғлиқ сарф-ҳражаатлар

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Товарнинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Қиймати |
|---|----------------|---------------|---------|-----------|-----------|
| 1 | Баннер | дона | 3 | 1 300 000 | 3 900 000 |
| | Жами: | | | | 3 900 000 |

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЎТГАН ТАШКИЛОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШИ ШАРТ БЎЛГАН ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:

- Ўтган ҳисобот даврига солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида ҳудудий ДСИ маълумотномаси нусхаси;
- Корхонанинг ишчи механизмлари ва малакали ишчи кадрлари ҳақида маълумотнома;
- Ўтказиб бериладиган маҳсулотни қанча муддатда ўтказиб берилиши бўйича кафолат хати;
- Корхона гувоҳномаси, низоми ҳамда раҳбар паспорти нусхалари (хиралашмаган ҳолатда прописка томони билан)
- Берилган таклиф мурожаатномаларида корхонанинг тўлиқ юридик манзили, банк ва солиқ реквизитлари, алоқа телефонлари (факслари), маҳсулотларнинг сифатлилиги.

Фаргона шаҳар ҳокимининг
ўринбосари:



Ю.Юсупов